

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Карши ёғ-экстракция» Акциядорлик жамияти

Мен, Кашкадарё вилояти Карши шаҳри Геологлар кучаси 1-уй 15-хонадонда (тел. (99891) 2228261, (0375 53 24 254. mail: Zamin_oil_audit@mail.ru) жойлашган Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Зулфиков Худойберди Назарович Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 5-феврал куни жамият «Низом»и руйхатга олиниб, берилган № 64-сонли гувоҳномага ва Ўзбекистон Молия Вазирлиги томонидан жамиятга 2009 йил 24-июлдаги берилган «Барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни амалга ошириш буйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳукуқини берувчи 00387-сонли лицензияга ва «Узагросуртга» АЖ Кашкадарё вилоят филиали Карши шаҳар булинмаси томонидан 5-январь 2018 йилда берилган 0136508-сонли «Аудиторлик жавобгарлигини сугурта қилиш» Полисига эга, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Ўзсаноатқурилишбанк» Карши шаҳар минтақавий бўлими, СТИР 203869896 МЧЖ «ZAMINOIL-AUDIT» Аудиторлик ташкилоти билан «Карши ёғ-экстракция» Акциядорлик жамияти уртасида 05.01.2018 йилда тузилган № 5-сонли шартномага асосан «ZAMINOIL-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Зулфиков Худойберди Назарович томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22-декабрь куни берилган 05543-сонли аудитор малака сертификатига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект «Карши ёғ-экстракция» Акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31-декабрь ҳолатидаги ҳисоботлари 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», 4-шакл «Пул оқимлари» тўғрисидаги ҳисобот, 5-шакл «Хусусий капитал» тўғрисидаги ҳисоботларининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Карши ёғ-экстракция» Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Карши ёғ-экстракция» Акциядорлик жамияти «Карши ёғ-экстракция» Акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31- декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор

Зулфиков Х. Н.

20-апрель 2018 йил

